ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ФАН ДОКТОРИ ИЛМИЙ ДАРАЖАСИНИ БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.FM.01.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

НОРМАТОВ ИБРОҲИМАЛИ ХОЛМАМАТОВИЧ

ФУНКЦИОНАЛ ЖАДВАЛЛАР АЛГЕБРАСИ АСОСИДА МУРАККАБ ТИЗИМЛАРНИ БОШҚАРИШНИНГ АЛГОРИТМИК МОДЕЛЛАРИ

05.01.02 Тизимли таҳлил, бошқарув ва ахборотни қайта ишлаш
(физика-математика фанлари)

ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2020

УДК: 519.71

Докторлик (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации
Contents of the abstract of Doctoral (DSc) dissertation

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ФАН ДОКТОРИ ИЛМИЙ ДАРАЖАСИНИ БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.FM.01.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

НОРМАТОВ ИБРОҲИМАЛИ ХОЛМАМАТОВИЧ

ФУНКЦИОНАЛ ЖАДВАЛЛАР АЛГЕБРАСИ АСОСИДА МУРАККАБ ТИЗИМЛАРНИ БОШҚАРИШНИНГ АЛГОРИТМИК МОДЕЛЛАРИ

05.01.02 Тизимли таҳлил, бошқарув ва ахборотни қайта ишлаш
(физика-математика фанлари)

ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2020

Фан доктори (Doctor of Science) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2020.4.DSc/FM124 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертация Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон миллий университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб саҳифасида (http://ik-fizmat.nuu.uz/) ва «ZiyoNet» ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:	**Кабулов Анвар Василович** техника фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	**Игамбердиев Хусан Закирович** техника фанлари доктори, профессор, академик
	Шакенов Канат Кожахметович, физика-математика фанлари доктори, профессор (Қозоғистон)
	Утеулиев Ниетбай Утеулиевич, физика-математика фанлари доктори, профессор
Етакчи ташкилот:	**Тошкент шаҳридаги Турин политехника университети**

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.FM.01.02 рақамли Илмий кенгашнинг «____» декабр 2020 йил соат 10:00 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100174, Тошкент ш., Олмазор тумани, Университет кўчаси, 4 уй. Тел.: (99871) 227-12-24, факс: (99871) 246-53-21, 246-02-24, e-mail: nauka@nuu.uz).

Докторлик диссертацияси билан Ўзбекистон Миллий университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (99 рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100174 Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, Университет кўчаси, 4 уй. Тел.: (99871) 246-02-24).

Диссертация автореферати 2020 йил «____» декабр куни тарқатилди.
(2020 йил 3 декабрдаги 21 рақамли реестр баённомаси.)

А.Р.Марахимов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

З.Р.Рахмонов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, ф.-м.ф.д., доцент

Н.А.Игнатьев
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, ф.-м.ф.д., профессор

КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жахон миқёсида олиб борилаётган кўплаб илмий-амалий тадқиқотларнинг мухим қисми халқ хўжалигини барча тармоқлари учун ишлаб чиқарилаётган машина ва техника воситаларини алгоритмлаштириш ва автоматлаштиришга боғлиқ бўлиб, бу юқори меҳнат унумдорлиги ва замонавий талабларга жавоб берадиган сифатли махсулот ишлаб чиқаришни таъминлайди. Ахборот ва компьютер технологиялари соҳасида ишлаб чиқариш жараёнларига инновацион ишланмаларни олиб кириш мақсадида фундаментал ва амалий тадқиқотларни жадал ривожлантириш тенденцияси мавжуд. Машинасозликнинг турли соҳаларидаги тизимларни алгоритмлаштириш ва автоматлаштиришга ҳамда оптимал бошқарувнинг замонавий технологияларини ишлаб чиқаришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу сабабли мураккаб тизимларни бошқарувининг алгоритмик моделларни яратиш долзарб вазифалардан ҳисобланади.

Ҳозирги кунда жаҳонда бошқарув тизимларини ривожлантириш, автоматик бошқарув жараёнларини оптималлаштириш ва такомиллаштириш ҳамда иқтисодиётнинг барча соҳаларига жорий этиш юзасидан қуйидаги йўналишлардаги илмий-тадқиқот изланишларини амалга ошириш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади: функционал жадваллар асосида мураккаб тизимларни бошқариш муаммоларини ҳал қилишда иш ўринлари комплексларини синтезлашнинг алгоритмик модели ва усулларини ишлаб чиқиш; чекли автоматлар ва бул функциялари кўринишида берилган агрегатив бошқарув мониторларини яратиш; мураккаб тизимларда қарор қабул қилиш ва лойиҳалаш жараёнини амалга ошириш учун дискрет экстремал масалаларнинг алгоритмик ечимини топиш. Юқорида келтирилган илмий-тадқиқотлар йўналишида бажарилаётган илмий изланишлар мазкур диссертация мавзусининг долзарблигини изоҳлайди.

Мамлакатимизда қабул қилинган комплекс чора-тадбирларда бошқарув тизимларини ривожлантириш, рақамлаштириш ва ташкилий чоралар ва қарорларни қўллаб-қувватлаш учун ахборот ресурсларини яратиш давлат қурилишнинг асосий йўналишларидан бири ҳисобланади. 2017-2021 йилларда Республикамизни янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегиясида, жумладан, замонавий ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, ишлаб чиқаришда техник ва технологик янгиланиш, транспорт-коммуникация ва ижтимоий инфратузилмадаги лойиҳаларни амалга оширишга қаратилган актив инвестиция сиёсатини олиб бориш, саноатни юқори технологияли қайта ишлаш тармоқлари бўлган маҳаллий хом-ашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш асосида юқори сифатли қўшимча дароматга эга тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича жадал ривожлантиришга қаратилган сифат жиҳатидан янги босқичга ўтказиш орқали янада модернизация ва диверсификация қилиш”[1] вазифалари белгиланган. Қарор ижросини таъминлаш мақсадида мураккаб тизимларни алгоритмик

[1]Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш буйича Ҳаракатлар стратегияси туғрисида»ги Фармони

бошқариш усуллари ва технологияларининг назарий асосларини ишлаб чиқиш муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантриш бўйича харакатлар стратегияси тўғрисидаги» Фармони, 2017 йил 17 февралдаги ПҚ-2789-сон «Фанлар академияси фаолияти, илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги», 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва 2018 йил 27 апрелдаги ПҚ-3682-сон «Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳаларни амалиётга жорий қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги» қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 24 май куни Ўзбекистон миллий университетида таълим ва илм-фан соҳаси вакиллари билан бўлиб ўтган учрашувидаги маърузаси, 2019 йил 08 октябрдаги ПФ 5847-сон «Ўзбекистон Республикасининг 2030 йилгача комплекс ижтимоий-иктисодий ривожланиши концепцияси тўғрисидаги» ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши-нинг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг: IV. «Ахборотлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи[2]. Бошқариш тизимларини ривожлантириш учун замонавий математик усулларни ишлаб чиқиш, фан, техника ва иқтисодиётнинг турли соҳаларидаги технологик жараёнлари учун автоматик бошқарув тизимларини жорий этиш бўйича илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи олий таълим муассасалари ва илмий марказлари, жумладан, Алберт университети (Канада), Стэнфорд университети, Массачусетс технология институти (АҚШ), Кембриж университети, Оксфорд университети (Буюк Британия), Киото университети (Япония), Мелбурн университети (Австралия), Мюнхен техника университети (Германия), Тсингхуа университети (Хитой), Лозанна Федерал политехника мактаби (Швейцария), Сеул миллий университети (Корея Республикаси), Амстердам университети (Нидерланд), Пьер ва Мария Кюри номидаги университет (Франция), М.В.Ломоносов номидаги Москва давлат университети (Россия), В.М.Глушков номидаги Кибернетика институти (Украина), Ўзбекистон миллий университети, Тошкент давлат техника университети (Ўзбекистон)да олиб борилмокда.

[2] Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи қуйидаги манбалар: http://www.ds.mpg.de/en, http://www.ox.ac.uk/, http://www.bioe.neu.edu, http://www.zbit.uni-tuebingen.de/, http://neel.cnrs.fr/?lang=fr, https://www.kribb.re.kr/eng/sub02/sub02_07_03.jsp, https://www.cbcb.umd.edu/, http://www.arizona.edu/, https://mipt.ru/science/labs/laboratory_of_the_biophysics_of_excitable_systems/ ва бошқа манбалар асосида ишлаб чиқилган.

Мураккаб тизимларни бошқаришни тадқиқ этишга оид жаҳонда олиб борилган тадқиқотлар натижасида қатор илмий натижалар олинган, жумладан: мураккаб объектлар учун агрегатив бошқарув тизимларини моделлаштириш усуллари ишлаб чиқилган (Институт проблем управления им. В.А.Трапезникова РАН), бошқарув тизимларини формаллаштириш масалалари ечилган (Stanford University USA), мураккаб тизимларни ва уларнинг дастурий воситаларини бошқарув жараёнини лойиҳалаш масалаларини ечиш учун автоматлаштирилган моделлар ишлаб чиқилган (Институт кибернетики имени В.М.Глушкова), мураккаб тизимларни алгоритмик бошқарув жараёнларини математик моделлаштириш усуллари ишлаб чиқилган (Ўзбекистон миллий университети), Ўзбекистон Республикасининг турли саноат корхоналарида технологик жараёнлар автоматлаштирилган (Тошкент давлат техника университети).

Дунёда мураккаб тизимларни бошқаришнинг алгоритмик моделлари ва усулларини ишлаб чиқариш бўйича бир қатор устувор йўналишларда илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда, жумладан: мураккаб тизимларнинг бошқарув объектларини дастлабки ўрганишдан бошлаб, динамик мослашувчан, адекват моделларини ва рақамли ҳисоб-китоблари учун самарали алгоритмларини ишлаб чиқиш; замонавий компьютер технологияларидан фойдаланган холда бошқарув тизимларининг барча босқичларини алгоритмлаштириш ва такомиллаштиришни; бошқарувда қарор қабул қилишлар самарадорлигини ошириш мақсадида тадқиқот объектларини тахлил қилишнинг самарали усулларни ишлаб чиқиш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Россия Фанлар академиясининг Бошқарув муаммолари институти олимлари И.М.Макаров, Г.С.Поспелов ва Н.П.Бусленколарнинг илмий ишларида мураккаб объектлар учун агрегатив бошқарув тизимларини моделлаштириш усуллари таклиф этилган. Бошқариш тизимлари назарияси тадқиқотларини формаллаштириш масалаларига ягона ёндошув муаммолариги Америка қўшма штатларининг Стэнфорд университети олимлари Р.В.Хамминг, Р.Кнут, П.Х.Холмос ва М.Хаска томонидан ечилган. Мураккаб тизимларни ва уларнинг дастурланган ускуналарини бошқариш жараёнини лойиҳалашга имкон берадиган масалаларни хал қилишнинг автоматлаштирилган моделлари В.М.Глушков номидаги Кибернетика институти олимлари В.М.Глушков, В.С.Михалевич, В.И.Скурихин ва бошқа мутахассислар томонидан ишлаб чиқилган.

Ўзбекистонда В.Қ.Қабулов, Н.Р.Юсупбеков, Х.З.Игамбердиев, М.М.Арипов ва И.Х.Сиддиқовларнинг илмий жамоалари бошқаришда математик моделлаштиришни, алгоритмик усулларни, компьютер техникаси ва автоматизацияни ишлаб чиқдилар ва қўлладилар. Мураккаб тизимларни (МТ) алгоритмик бошқарув муаммолари академик В.Қ.Қабуловнинг фундаментал ишларида ўрганилган. Технологик жараёнларни автоматлаштириш Ўзбекистон Республикасининг турли саноат корхоналари учун академиклар Н.Р.Юсупбеков, Х.З.Игамбердиевнинг ишларида кўриб чиқилган ва хал қилинган. Профессор М.М.Ариповнинг илмий ишларида мураккаб тизимларни бошқариш жараёнларини математик моделлаштириш усуллари ишлаб чиқилган ва асосланган.

Шуни таъкидлаш керакки, кўплаб ечилмаган масалалар динамик комплекс тизимларни алгоритмик моделлаштириш каби илмий йўналиш тасаруфида қолмоқда. Мураккаб динамик тизимларни моделлаштириш учун математик усуллардан, ахборот технологиялари воситаларидан фойдаланиш, мураккаб тизимларни оқилона ва адекват тавсифлашнинг янги самарали усулларини яратиш, технологик жараёнларни оптималлаштириш, берилган чекловларни ҳисобга олган холда бошқарувда қарор кабул қилиш етарли даражада ўрганилмаган.

Диссертация мавзусини диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ахборот-коммуникация технологиялари илмий-инновацион марказининг илмий тадқиқот ишлари режасининг: Ф4-ФА-Ф005 «Мураккаб чегарали соҳалар учун математик физиканинг кўп ўлчовли ночизиқ синф масалаларининг моделларини такомиллаштириш ҳамда ечишнинг алгоритмик усулини яратиш ва тадқиқ қилиш» (2014-2016), БВ-М-Ф4-004 «Бошқариш тизимлари назариясида алгоритмлаштириш принципларини ишлаб чиқиш» (2017-2020), № 1/18 Ф «Функционал жадваллар асосида ахборотларни химоялаш учун хавф-хатарларни аниқлаш ва бартараф қилишнинг дастурий таъминоти» (2018-2019), ОТ-Атех-2018-486” «Мантиқий бошқариш ва ахборот хавфсизлиги тизимларини дастурлаштирилган мантиқий контроллерлар ва уларни лойиҳаловчи инструментал CAD мантиқий тизими асосида амалга ошириш» (2018-2020), № ФЗ-201906117 «Орол буйи қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида экологик вазиятлар таъсирини аниқлаш мониторингини юритишнинг дастурий таъминоти» (2020-2022) мавзулардаги илмий лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади функционал жадваллар алгебраси ва математик моделлаштириш усулларидан фойдаланиб мураккаб тизимлар учун алгоритмик бошқариш моделларини яратиш ва уларни автоматлаштирилган тизимларга тадбиқ этишдан иборат.

Тадқиқот вазифалари:

функционал жадваллар ва чекли автоматлар асосида мураккаб тизимларни бошқарувчи алгоритмик моделларни яратиш методологиясини ишлаб чиқиш;

функционал жадваллар асосида мураккаб тизимларни бошқариш муаммоларини ҳал қилувчи иш ўринлари комплексларини синтезлашнинг алгоритмик модели ва усулларини ишлаб чиқиш;

чекли автоматлар ва бул функциялари кўринишида берилган агрегатив бошқарув мониторларини яратиш;

мураккаб тизимларда қарор қабул қилиш ва лойиҳалаш жараёнини амалга ошириш учун дискрет экстремал масалаларнинг алгоритмик ечимини топиш;

бир хил хотирали ўзаро тенг бўлган алгоритмларнинг барча синфлари учун мажорант бошқарув алгоритмларни мавжудлиги ҳақидаги теоремаларни исботлаш;

Шеннон масаласига асосланган уч қийматли монотон функциялар синфлари учун кодларни очиш ва максимал юқори нолларни топиш масаласини ечиш;

дискрет экстремал масалаларни алгоритмик ечимида *к*-қийматли мантиқнинг қисман аниқланган функцияларини инвариант давоми ҳақидаги теоремани исботлаш;

ўзаро боғлиқ динамик тузилишга эга бўлган объектларни бошқариш учун алгоритмик агрегатив тизимни яратиш.

Тадқиқотнинг объекти бошқариш тизимини тахлил ва синтез қилиш, бошқариш жараёнларининг қонуниятларини ва мураккаб тизимларда бошқарувни оптималлаштириш алгоритмларини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг предмети алгоритмлаштириш принциплари, усуллари ва технологиялари, бошқарув объектларини рационал ва адекват тавсифлаш усуллари, бошкарувни оптималлаштириш алгоритмларини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг усуллари. Мураккаб тизимларни ягона тавсифлаш усуллари, бошқарув мониторларини қуриш, имитацион моделлаштириш, алгебраик амаллар, Петри тармоқлари, чекли автоматлар назарияси, С.В.Яблонскийнинг бошқарув тизимлари, функционал жадваллар асосида қарор қабул қилиш усуллари қўлланилади.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

функционал жадваллар ва чекли автоматлар асосида мураккаб тизимларни бошқарувчи алгоритмик моделларни яратиш методологияси ишлаб чиқилган;

функционал жадваллар асосида мураккаб тизимларни бошқариш муаммоларини ҳал қилувчи иш ўринлари комплексларини синтезлашнинг алгоритмик модели ва усуллари ишлаб чиқилган;

чекли автоматлар ва бул функциялари кўринишида берилган агрегатив бошқарув мониторлари яратилган;

мураккаб тизимларда қарор қабул қилиш ва лойиҳалаш жараёнини амалга ошириш учун дискрет экстремал масалаларнинг алгоритмик ечими топилган;

бир хил хотирали ўзаро тенг бўлган алгоритмларнинг барча синфлари учун мажорант бошқарув алгоритмлари мавжудлиги ҳақидаги теоремалар исботланган;

Шеннон масаласига асосланган уч қийматли монотон функциялар синфлари учун кодларни очиш ва максимал юқори нолларни топиш масаласи ечилган;

дискрет экстремал масалаларни алгоритмик ечимида к-қийматли мантиқнинг қисман аниқланган функцияларини инвариант давоми ҳақидаги теорема исботланган;

ўзаро боғлиқ динамик тузилишга эга бўлган объектларни бошқариш учун алгоритмик агрегатив тизим яратилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари. Алгоритмик агрегатив тизим якка тартибдаги модулларда, бўлимларда, бутун жараён бўйича бошқаришнинг технологик мослашувчан моделларини яратишда, гуруҳ бўлиб бошқариш технологияларида ҳамда оптималлаштириш масалаларини ечишда фойдаланилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги алгоритмлаштиришнинг назарий ва амалий асосли усуллари ва динамик функционал жадвалларнинг объектларга мос келишини ҳисобга олган холда объектларни стандарт ва яхлит алгоритмик бошқаришнинг моделлаштириш масаласини қатъийлиги билан асосланган.

Тадқиқот натижаларини илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг Илмий ахамияти, ишлаб чиқилган бошқариш тизимларини технологик режимларини оптималлаштириб, тизим қурилишининг ишончлилигини оширади ва бошқа кўринишдаги бошқариш тизимларига нисбатан фарқли, мослашувчан эканлигини изоҳлаб беради.

Тадқиқот натижаларининг амалий ахамияти оптималлаштириш масалаларини ечиш усулларини топиб, цех ва бошқариш тизимидаги махсулот сифатини, ишлаб чиқариш ҳажмини оширади ҳамда хом ашё ва энергия ресурсини тежаб ходимларнинг меҳнат шароитларини яхшилайди.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.

Функционал жадваллар алгебраси ва математик моделлаштириш усулларидан фойдаланиб мураккаб тизимлар учун алгоритмик бошқариш моделларини яратиш ва уларни автоматлаштирилган тизимларга тадбиқ этиш бўйича олинган натижалар асосида:

дискрет ва экстремал масалаларнинг аниқ оптимал ечимини топиш учун ишлаб чиқилган комплекс алгоритмларидан “Тахиатош дон маҳсулотлари” акционерлик жамиятининг ишлаб чиқариш жараёнларини бошқаришда фойдаланилган (Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг 2019 йил 26 ноябрдаги 33-8/8342–сон маълумотномаси). Натижада, ишлаб чиқариш самарадорлигини 20% га ошириш имконини берган;

назорат тизимларини, мураккаб объектларни ҳамда технологик жараёнларни оптималлаштириш учун ишлаб чиқилган функционал жадвал ва автоматик бошқариш алгоритмидан “Тахиатош туман Сув хўжалиги” да сув ва энергия манбаларининг истеъмолини оптималлаштиришда фойдаланилган (Қорақалпоғистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлигининг 2019 йил 16 сентябрдаги 01/10-3-387–сон маълумотномаси). Натижада, сув ва энергия сарфини 15% га камайтириш имконини берган;

имитацион модел ва бошқариш тизимларини ишлаб чиқиш учун яратилган автоматлаштирилган тизимидан Қорақалпоғистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги бўлимларининг фаолиятини бошқаришни оптималлаштириш ва модернизациялашда фойдаланилган (Қорақалпоғистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлигининг 2019 йил 25 ноябрдаги 01/1499-сон маълумотномаси). Натижада, ишлаб чиқариш самарадорлигини 15% га ошириш имкон берган;

мураккаб тизимларда бошқариш алгоритмини оптималлаштириш учун яратилган функционал жадваллар алгебрасининг назарий асослари ва универсал усулларидан Нукус туман “Фермер ва дехқон хўжалиги ҳамда уй-жой мулкдорлар кенгаши” да хом ашё ва энергия манбалари сарфини камайтиришда, шунингдек техника хафсизлигини яхшилашда фойдаланилган

(Қорақалпоғистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2019 йил 28 ноябрдаги 01/03-3516-сон маълумотномаси). Натижада, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажмини 15% га ошириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг аппробацияси. Диссертатция ишининг асосий натижалари 24 та халқаро ва 18 та республика миқёсидаги илмий-амалий анжуманларда муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 76 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 3 та монография, 1 та ўқув қўлланма, 22 та мақола, шу жумладан 9 таси хорижий ва 13 таси республика журналларида нашр этилган, 1 та ихтиро учун патент ва 4 та ЭҲМ учун яратилган дастурий воситаларни қайд қилиш гувоҳномалари олинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан ташкил топган. Диссертациянинг умумий ҳажми 253 бетдан иборат бўлиб, ишнинг асосий матни 194 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯ ИШИНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва аҳамияти асосаб берилган бўлиб, Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияларини ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган. Ишнинг мақсад ва вазифалари, тадқиқот объекти ва передмети, унинг илмий янгилиги шакллантирилган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларнинг амалиётга тадбиқ этиш рўйхати, ишнинг синов натижалари, нашр этилган ишлар ва диссертация ишининг тузилиши ҳақидаги маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Мураккаб тизимларни бошқариш алгоритмлари муаммоларини тадқиқ ва тахлил қилиш»** деб номланган биринчи боби учта параграфдан иборат.

Биринчи параграфда объектларни адекват моделларни олишни олдиндан ўрганишдан бошлаб, алгоритмлаштириш жараёнларини ва бошқариш тизимларини ишлаб чиқиб, бошқариш тизимини самарали қуриш билан якунлашгача бўлган тизимли тадқиқот муаммолари кўрилган.

Иккинчи параграфда алгоритмик бошқариш моделларини яратиш учун МТларни бошқариш алгоритмининг назарий асослари, уларнинг стандарт тавсифида, илмий тадқиқотларида, ҳамда автоматлаштирилган тизимнинг тажриба конструкторлик ишлаб чиқаришларида берилган. МТларни бошқариш алгоритмини қуриш масалаларини ечиш жараёнларининг тахлили берилган. Алгоритмик ёндашув асосида объектни бошқариш масаласини ечиш жараёнининг тавсифи таклиф этилади.

Учинчи параграфда тизимли тадқиқотларни расмийлаштиришнинг алгоритмик схемасида олтита асосий $(Б_1 - Б_6)$ ва иккита ёрдамчи банк ($Б_n$-

ёрдамчи банк, $Б_0$-операцион банк) ёрдамида дастурий таъминотни яратиш таклиф этилади. Ҳар бир асосий банкда маълумот ва операцион қисмлар ва модуллар тўплами мавжуд, банкларнинг таркиби кейинги тадқиқотларда аниқланади. Қўйилган $Б_n$-ёрдамчи банк фойдаланувчи билан мулоқатни таъминлайди, унинг таркиби бюртмачининг талабларига боғлиқ. Асосий банкларнинг модуллари таркибини ҳисобга олган холда $Б_0$-операцион банкни блок-схемалар шаклида жойлаштириш мумкин.

Тизимни тадқиқ қилишнинг барча босқичларини автоматлаштириш ва бошқариш алгоритмларини қуришда алгоритмлаштириш усуллари алоҳида аҳамиятга эга. Шу нуқтаи назардан, турли хил объектларни ўрганиш жараёнини тескари алоқали кибернетик занжирга эга бўлган кетма-кет етти босқичга бўлиш мумкин.

Диссертатсиянинг **«Функционал жадваллар алгебраси асосида мураккаб тизимларни бошқаришни алгоритмик моделини ишлаб чиқиш»** деб номланган иккинчи боби, тўртта параграфдан иборат.

Биринчи параграфда функционал жадваллар (ФЖ) алгебраси асосида МТларни бошқариш алгоритмининг асосий масаласини қўйилиши баён этилган. ИЎ мураккаб тизимнинг ажралмас элементи сифатида қабул қилинади, буни тавсифлаш учун қуйидаги хусусиятлар мавжуд: координаталар, вақт оралиқлари, операциялар ва ҳолатлар.

Кўп босқичли агрегатив тизимларнинг ИЎ тўплами маълум бир t_i - вақт оралиғида бирор тармоқ орқали аниқланади. Вақт ўтиши билан ИЎнинг тармоқ ўзгариши тармоқни бошқариш функцияси $F(t)$ - кўринишида берилган. ИЎ тўпламида берилган тармокнинг бундай тавсифи тизимнинг фунционал жадвали деб аталади. Тасвирий жиҳатдан, r_i-иш ўринда t_k-вақтда амалга оширилган ҳар бир d_j-операция қуйидаги (i, j, k) уч ўлчовли координата кўринишида ифодаланади. У холда динамик функционал жадвал қуйидаги кўринишда аниқланади: ТФ$=\{P,D,I,O,A,T,\Delta,F\}$, бу ерда P - ҳолатлар тўплами, D - ўтиш операцияси, I – иш ўринларининг кириш ва O - чиқиш ҳолатлари, T – иш ўринлари тизимининг вақти ва Δ - координаталари, $F(t)$-функионал жадвалларнинг ўзгартириш функцияси.

Агар $\forall t_i \in T$ учун функция $F(t)=const$ бўлса, у холда бундай ФЖни статик (стационар) деб аталади. ФЖ ўзгаришларини белгилаб берадиган $F(t)$ функциясига агрегатив тизимнинг бошқариш функцияси ёки тизимдаги жараённи режалаштириш функцияси деб аталади.

Будай ҳолда МТлар бошкарувини алгоритмлаштириш - ихтиёрий мураккаб бошқарув тизими учун ўзининг ФЖ бўйича функтционал характеристикасини қуришга имкон берадиган алгоритмни топишдан иборат. Шу маънода алгоритмлаштириш, мохиятан ФЖ асосида МТларни бошқарув жараёнини моделлаштиришнинг универсал воситасидир. Шунингдек бошқариш агрегатини (мониторини) синтезлаш ва бошқариш операциясини амалга ошириш учун автоматлаштиришни таҳлил қилиш қилиш масаласи ҳам шакллантирилган.

Иккинчи параграфда ФЖ устида алгебраик амаллар киритилади ва ФЖ бўйича расмий операциялар учун матрица шаклидаги тегишли қоидалар аниқланади. Ҳар бир t_k вақт оралиғида ФЖ маркирлар билан белгиланган қуйидаги Петри тармоқлари кўринишида ифодаланади: $M=\{P,D,I,O,\mu\}$, бу ерда μ-белги P-холатлар тўпламини N - натурал сонлар тўпламига акслантирувчи қуйидаги $\mu:P\to N$ кўринишдаги функция. Ҳар бир μ белги қуйидаги $\mu=(\mu_1,...,\mu_n)$ вектор кўринишида ифодаланиши мумкин, бу ерда $n=|P|$ ва $\forall\mu_i\in N,\, i=\overline{1,\,n}$, μ вектор ҳар бир p_i тармоқ ҳолати учун чиплар сонини аниқлайди, яъни $\mu_i=p_i,\, i=\overline{1,n},\, \mu(p_i)=\mu_i$.

Агар t_i вақт оралиғида Петри тармоғи ўзгармаса, уни технологик давр (ТД) деб атаймиз. ТД Петри тармоғининг қисм тўпламлари бўлиб, ТД учун технологик жараённи тавсифловчи формал тил воситаси аниқланган.

Агар қуйидаги $\delta:T\to\sum$ ўтиш жойи, μ- бошланғич маркирлаш ҳамда F якуний маркирлашнинг чекли тўплами ва $L=\left\{\delta(B)\in\sum^{*}\setminus\tilde{B}\in T\right\}$ ўтиш функцияси мавжуд бўлса, у ҳолда L-тили ТДнинг L-турдаги тили деб хисобланади, яъни $\tilde{B}\left(t_{i_1},...,t_{i_k}\right)$ ва $\mu=\delta(\mu,\tilde{B})$ маркирлаш функцияси $\left(t_{i_1},...,t_{i_k}\right)$-вақтларни кетма-кет ишга тушириши натижаси ҳисобланади, бу ерда $\delta\left(\mu,\tilde{B}\right)\in F$. Биз кўраяпган холда МТлар қуйи тизимларнинг таркибий қисми ҳисобланади. Ҳар бир қуйи тизимларни ўз тилига тегишли ТД билан тасаввур қилиш мумкин. Қуйи тизимларга мос ТДни кетма-кетлиги - бу ТДнинг бир тилидан бошқа иккинчи, учинчи ва хоказо тиллари билан боғланиш комбинацияларидир.

Тилларнинг бир-бири билан конкатенацияси (боғланиши) формал кўринишда қуйидагича аникланади:

$$L_1\times L_2\times...\times L_n=\left\{x_1,x_2,...,x_n:\ x_1\in L_1,\ x_2\in L_2,...,x_n\in L_n\right\}.$$

Бундан ташқари параллел композицион амали формал кўринишда қуйидагича аникланади:

$$L_1\cup L_2\cup,...,\cup L_n=\bigcup_{i=1}^{n}L_i=\left\{x:x\in L_1 \text{ или } x\in L_2...\text{или } x\in L_n\right\}.$$

Навбатдаги амал технологик даврнинг параллел қурилиши бўлиб, қуйидагича аниқланади:

$$\alpha_1x_1\|\alpha_2x_2\|...\|\alpha_nx_n=\alpha_1\left(x_1\|\alpha_2x_2...\|...\|\alpha_nx_n\right)+...+\alpha_n\left(\alpha_1x_1\|\alpha_2x_2\|...\|x_n\|\right) \text{ и } \alpha\|\lambda=\lambda\|\alpha=\alpha.$$

Икки ва ундан ортиқ бўлган тилларнинг параллел композицияси қуйидагича аникланади:

$$L_1\|L_2\|\cdots\|L_n=\left\{x_1\|x_2\cdots\|x_n:x_1\in L_1,\quad x_2\in L_2,...,x_n\in L_n\right\}.$$

Кесишишма амали бирлашма амали каби, кесишишманинг тўпламлар назариясидаги таърифига ўхшаш бўлиб ТД тиллари учун қуйидагича аникланади:

$$L_1\cap L_2=\left\{x:x\in L_1 \text{ и } x\in L_2\right\}.$$

Бирор x-таклифни қайта тиклаш амали – бу белгилари тескари тартибда жойлашган таклифдир. Ушбу амални рекурсив равишда қуйидагича аниклаймиз:

$$\alpha^R = a,\ (\alpha x)^R = x^R a,\quad a, x \in \Sigma.$$

Ҳар бир қисм тизимни ТДга мос келадиган ўз тилида ифодалаш мумкин. ТД тиллари ихтиёрий тартибда амалга ошириладиган бирлашма, кесишишма, қайта тиклаш, параллел композиция ва боғлаш операцияларининг ихтиёрий чекли сонига нисбатан ёпиқ эканлигини кўриш қийин эмас.

Асосий тўпламдан иборат бўлган $\text{ФЖ} = \{\text{ТД}_i\}$ тизим-ТДлар тўплами ва операциялар мажмуаси, сигнатура деб аталувчи Ω тўплам, унверсал алгебра дейилади, агар Ω сигнатурга тегишли бўлган барча операциялар $\text{ФЖ} = \{\text{ТД}_i\}$ тўпламда деярли ҳамма жойида аниқланган бўлса.

Киритилган ФЖлар алгебраси кейинчалик бошқарув алгоритмларини қуришда алгебраик усуллардан фойдаланиш имкон беради, бу ерда ҳар бир ТД C^- ва C^+ матрицалар билан ифодалаш мумкин, бу ерда C^- ва C^+ матрицалар векторлар тизимининг мос равишдаги кириш ва чиқиш холатларини англатади.

Учинчи параграфда бошқариш тизимларнинг локал алгоритмлардан иборат ФЖда ИЎ комплексларининг синтезини алгритмлаш масалалари кўриб чиқилади. Бошқариш тизимлари синфида, киритилган атроф тизимлар учун «энг қулай локал алгоритм» тушунчаси ўрнатилган. Юқорида келтирилган барча алгебраик операцияларидан фойдаланиб алоҳида ИЎнинг бошқариш тизимларини ФЖини синтезлаш масаласи хал этилади.

Қуйидаги бошқариш тизимининг $\mathfrak{M}(E_0, E_1, E_2 ...)$ тармоқлар тўплами берилган бўлсин, бу ерда E_0 қутблар тўплами, $E_1, E_2, ...$ лар қисм схемалар (агрегатлар), $\sigma_\alpha \in X$-хотиралар тўпламидаги элементар қисм схемалар тўплами.

Таъриф 1. Агар $\mathfrak{M}(E_0, C_{\alpha_1}, C_{\alpha_2}, ...)$ белгилар тўплами $\left\{C_{\alpha_i} = C_{\alpha_i}^{E_i}\left(X^{\alpha_i}, Y^{\alpha_i}, Z^{\alpha_i}\right)\right\}$, $i = 1, 2, ...$ элементар қисм схемаларнинг $E_0, E_1, E_2 ...$ тўпламлари ўрнига, $\mathfrak{M}(E_0, C_{\alpha_1}, C_{\alpha_2}, ...)$ тармоқларга қўйишдан ҳосил бўлган белги бўлса, бундай белгини схема деб аталади, бу ерда C_{α_i}-лар E_i, $i = 1, 2, ...$ қисм схемалар учларига мос қўйилган элементар қисм схемаларнинг қутблари.

Қуйидаги кўринишдаги функцияни киритамиз:

$$\varphi_i^0\left(C_\gamma, \alpha_1, ..., \alpha_l, S, \sigma^*\right) = \begin{cases} (\alpha_1, .., \alpha_l), & \text{агар } \alpha_i \in \{0,1\}; \\ (\alpha_1, ..., \alpha_{i-1}, \gamma, \alpha_{i+1}, ..., \alpha_l), & \text{агар } \sigma \in M_s\left(C_\gamma\right); \\ P_i\left(C_\gamma, \sigma\right) = \gamma, & \text{агар } \gamma \in \{0,1\}; \\ (\alpha_1, ..., \alpha_{i-1}, \Delta, \alpha_{i+1}, ..., \alpha_l), & \text{агар } \exists \sigma_1, \sigma_2 \in M_s\left(C_\gamma\right) \\ P_i\left(C_\gamma, \sigma_1\right) \neq P_i\left(C_\gamma, \sigma_2\right) & \text{бажарилса} \end{cases} \quad , i = \overline{1, l}$$

ва A - алгоритм $\{P_i\}, i = \overline{1, l}$ - предикатлар тизими томонидан аниқланган бўлсин.

Аниқланиш соҳаси $\pi_s = \{A_\pi, \varphi_{1\alpha}, ..., \varphi_{i\alpha}, P_1, ..., P_l, S\}$ иборат бўлган бир хил хотирага эга π_s алгоритмлар синфи берилган бўлсин.

$\sigma=\{C_\alpha\}$ - тўплам орқали $\mathfrak{M}$ - схемалар тўпламининг қисм схемалар тўпламини ва $\{\sigma\}$ - тўплам орқали $\sigma=\{C_\alpha\}$ - қисм схемалар тўпламини белгилаймиз. $S_{k-1}(C_\alpha,\mathfrak{M})$ - ифода C_α қисм схеманинг $\sigma_f\in\{\sigma\}$ тўпламдаги $(k-1)$-тартибли бош атрофи бўлсин.

Учинчи параграфнинг асосий натижалари қуйидаги теоремалардан иборат:

Теорема 1. C_α қисм схеманинг $\{S_i(C_\alpha,\sigma_f)\}, i=\overline{1,k}$ атрофлари $\sigma_f\in\{\sigma\}$ тўпламда махсус атрофлардир.

Теорема 2. Бир хил хотирага эга локал тенг алгоритмларнинг бирор π_s-синфи учун мажорант алгоритм мавжуд.

Учинчи параграфда, юқорида қайд этилган боғлаш, бирлашма, кесишишма, қайта тиклаш, параллел композиция ва алмаштириш операцияларидан фойдаланиб, алохида ИЎдан ФЖни синтезлаш муаммосини ҳал қилиш мумкин. ИЎ комплекси қуйидагича аниқланади: $A=\{M,G_p\}$, бу ерда M-алгоритмларнинг моделлар тўплами; G_p-модел параметрларининг глобал рўйхати қуйидаги кўринишга эга: $G_p=\{X^s,Y^s,Z^s\}$, бу ерда X^s,Y^s,Z^s тизимни кириш, чиқиш ва оралиқ параметрлари.

Диссертацияда тизимда қуйидаги кўринишда қўйилган масала ечилган, яъни $\exists\varphi\left(X_1,...,X_k\xrightarrow{\varphi}Y_1,...,Y_t\right)$, бу ерда $\{X_i\}, i=\overline{1,l},\ \{Y_i\}, i=\overline{1,t}$ - тизимни кириш ва чиқиш параметрларидан иборат бўлган қисм тўпламлари.

Тўртинчи параграфда уч босқичли тизим кўринишига эга бўлган, ишлаб чиқариш жараёнини бошқариш ва лойиҳалаштириш (режалаштириш)ни амалга оширувчи функциядан иборат, ФЖ алгебрасига асосланган, алгоритмик бошқариш модели берилган. МТларни бошқариш модели қуйидагича: $R:D$ кўринишидаги муносабат, қуйидаги $R:D:O$ кўринишдаги кенгайтирилган муносабатни ажралмас бир қисми бўлиб, бу ерда R-ИЎ тўплами, D-динамик ФЖни қуриш натижасида ҳосил бўлган эхтиёт қисмлар тўплами. Барча муносабатларни транзитивлигидан ФЖ учун қуйидаги муносабатни қуриши мумкин: $R:D\to D:O\to O:U$, бу ерда $U=\{\text{БД}\}$ бошқариш дастури. Натижада, $R:U$ кўринишидаги кетма-кет ўзгартириш бошқаришнинг юқори даражасида амалга оширилади, ишлаб чиқариш жараёнини режалаштиришда $R:D$ шаклки ФЖ олинади, $D:O$ ва $O:U$ кўринишидаги стационар ФЖлар эса ишлаб чиқаришнинг технологик тайёргарлик алгоритмлари натижалари асосида олинади. ФЖни ечимнинг мавжудлиги қуйидаги матрица кўринишдаги иккита тенгламани ечимига боғлиқ: $\overline{Y}_1=Y_0+A\overline{x},\ A\overline{W}=0$. Бу тенгламани таҳлил қилиш асосида, A матрица кўринишида берилган ФЖ учун фундаментал ечимларнинг мавжудлиги аниқланади. A матрицаси A^+ ва A^- матрицаларидан олиниб, ФЖни ифодалаб, улар билан $A=A^- - A^+$ муносабатда боғланган. W векторлар тизимини топиш деганда векторлардан бирининг белгиси остида ФЖни сақлашни англатади. Бу ерда Y_0-вектор сифатида ФЖни бошланғич ҳолати кўрилади, x-бажарилган операциялар вектори, A-ФЖ тақдим этган матрица шакли, $\overline{Y}_1$-ФЖнинг якуний ҳолати. Тенгламалар ечимлари Ю.И.Журавлёвнинг алгоритмларига асослаиб, ФЖ ўтказувчалиги бўйича чекловларни аниқлашда нормалаштиришни амалга оширамиз, ФЖдаги материал оқимни аниқлайдиган, позицияларнинг юқори ва қуйи чегараларини ҳисоблаймиз: t_k, $a_{ij} \le x_{ij} \le t_k$, бу ерда x_{ij} вектор t_k-вақт оралиғидаги нормал холатдаги қиймати; a_{ij}-қиймат ФЖдаги j-чи операциялари учун i-холати.

Тармоқ моделида ўзгартириш қуйидагича амалга оширилади:

$$F(X) = \sum_{k=1}^{m}\sum_{j=1}^{n}\left[\left(c_{2j}^{k} - c_{1j}^{k}\right)x_{2j}^{k} + c_{1j}^{k}b_{j}^{k}\right] \to \min,$$

бу ерда c_{2j}^{k} - j-чи тугун учун k-чи маҳсулотга бўлган талабнинг нархи, c_{1j}^{k} - j-чи тугуннинг k-чи маҳсулотига таклиф нархи, x_{ij}^{k} - i-чи тугундан j-чи тугунга ўтувчи k-чи маҳсулот оқими, b_{j}^{k} - k-чи маҳсулоти учун қуйидаги шартлардаги j чи тугунга бўлган талаб

$$\sum_{k=1}^{m} x_{2j}^{k} + S_{1j} = U_{2j},\ \sum_{j=1}^{n} x_{1j}^{k} = -a_{2}^{k},\ \sum_{j=1}^{n}\left(U_{2j} - S_{2j}\right) = \sum_{j=1}^{m} a_{2}^{k},\ \ j, k = \overline{1, n},$$

бу ерда a_{2}^{k} - k-чи маҳсулоти учун j-чи тугунга таклиф,

$$\sum_{i=1}^{2} X_{ij}^{k} = b_{j}^{k},\ X_{2j} \le X_{ij}^{k},$$

$$\sum_{i=1}^{2}\left(U_{ij} - S_{ij}\right) = \sum_{k=1}^{m} b_{j}^{k} \ \text{ ёки } \ S_{2j} \le \sum_{i=1}^{2} U_{ij} - \sum_{k=1}^{m} b_{j}^{k},\ \ X_{ij}^{k}, S_{ij} \ge 0,\ j = \overline{1, n},\ k = \overline{1, \infty}.$$

Ушбу тармоқ моделининг ечими максимал оқим масаласи ёки мажоратли локал алгоритмини ечиш усуллари орқали олиниши мумкин. Шундай қилиб, $R\!:\!D$ ва $R\!:\!O$ муносабатли ФЖлар дастурланган ускиналарни бошқариш учун зарур бўлган дастлабки технологик маълумотни беради. Локал бошқариш даражасида $R\!:\!U$ кўринишда бўлган динамик ФЖ лар, $R\!:\!U$ кўринишга эга бўлган ФЖ стационар томонидан белгиланган тартибда бошқариш мониторларига юкланади. Қайта ишлаш операцияларини бажарилишини назорат қилиш $R\!:\!O$ кўринишга эга бўлган стационар ФЖда амалга оширилади.

Диссертациянинг **«Мураккаб ишлаб чиқариш тизимларида жараёнларни оптималлаштириш учун дискрет экстремал масалаларни ечиш»** деб номланган учинчи бобида МТлар учун дискрет математик усуллар ва уларни математик кибернетика ва бошкарув тизимлар назариясидаги амалий масалаларни ечиш усуллари келтирилган. Дискрет экстремал масалаларнинг алохида синфларини аниқ оптимал ечимини топиш алгоритмлар тадқиқ этилган. Экстремал масалаларнинг тақрибий ечимини олиш имконини берадиган алгоритмларни қуриш услублари тахлил қилинган. Дискрет экстремал масалаларни ечишда маълум алгоритмларнинг аксарияти тўлиқ танлаб олиш ғоясига асосланганлиги исботланган. Алгоритмларни ишлаб чиқишда кодларни очиш ва монотон Бул функцияларини максимал юқориноллари (м.ю.н.) ни топиш процедураларидан фойдаланилган.

Шунингдек, ушбу бобда дискрет монотон функциялар (д.м.ф.)нинг м.ю.н.ини топиш ва кодни очиш масаласи келтирилган. Кодни очиш ва ечим топиш масалаларини хал қилиш учун уч қийматли монотон функцияларнинг алохида синфларининг м.ю.н.ини қидириш масалалари ечимининг баҳолаш келтирилган.

Биринчи параграфда д.м.ф.нинг м.ю.н.ини топиш босқичлари, технологик модулларнинг бошқариш ва мантиқий бошқариш тизимларини оптимал синтезлаш жараёнида МТларни лойиҳалаш ва бошқариш учун фойдаланиладиган д.м.ф.нинг м.ю.н.ни кодни очиш ва қидириш ёрдамида масалаларни ечиш усуллари берилган.

$S^n=\left\{\tilde{\alpha}=\left(\alpha_1,...,\alpha_n\right):\alpha_i\in S=\left\{0,1,2\right\}\right\}$ тўпламда $0<1,\ 0<2$ тартиб қисман тартибни келтириб чиқаради, яъни агар $0<1,\ 0<2$ тартиб бўйича $\beta_i\le\gamma_i$, $i=\overline{1,n}$ бўлса, $\tilde{\beta}=(\beta_1,..,\beta_n)\le\tilde{\gamma}=(\gamma_1,..,\gamma_n)$ ўринли.

S^n тўпламни тузилишини кўриб чиқамиз. Агар $\tilde{\alpha}_{i_1}\le...\le\tilde{\alpha}_{i_k}$, $\tilde{\alpha}_{i_j}\in U_{i_j}$, $i=\overline{0,k},\ \left(1\le k\le n+1\right)$ бўлса, $\left\{\tilde{\alpha}_{i_1},...,\tilde{\alpha}_{i_k}\right\}$ тўплам S^nда занжир деб айтамиз.

S^n да берилган ва S тўпламдаги қийматларни қабул қилувчи қуйидаги $f\left(x_1,...,x_n\right)$ функцияни кўриб чиқамиз. Агар $\forall\tilde{\alpha},\tilde{\beta}\in S^n$, $\tilde{\alpha}_i\le\tilde{\beta}_j$ учун $f\left(\tilde{\alpha}_i\right)\le f\left(\tilde{\beta}_j\right)$ тенгсизлик ўринли бўлса, $f\left(x_1,...,x_n\right)$ функция $\le$ тартибга нисбатан монотон дейилади.

M_n орқали n та ўзгаручили, S^n тўпламда аниқланган барча монотон функцияларни белгилаймиз. $0<1,\ 0<2$ тартибга нисбатан монотон бўлган барча функциялар мажмуасига σ синф дейилади.

Агар $f(\tilde{\alpha})=0\ \left(f(\tilde{\alpha})\neq0\right)$ ва $\forall\tilde{\beta}\in M^n$ учун $\tilde{\alpha}\le\tilde{\beta}\ \left(\tilde{\alpha}\ge\tilde{\beta}\right)$ бўлса, $\tilde{\alpha}\in\tilde{M}$ тўплам, $f\in M_n$ функциянинг юқори ноли (пастки бирлиги) деб аталади, натижада $f(\tilde{\alpha})\neq0\ \left(f(\tilde{\alpha})=0\right)$ ўринли бўлади. Агар f функциянинг ихтиёрий юқори ноли (пастки бирлиги) бўлган $\tilde{\beta}$ учун $\left|\tilde{\beta}\right|<\left|\tilde{\alpha}\right|$ ($\left|\tilde{\beta}\right|>\left|\tilde{\alpha}\right|$) тенгсизлик бажарилса, $f\in M_n$ функциянинг юқори ноли (пастки бирлиги) бўлган $\tilde{\alpha}$ f функциянинг м.ю.н.и (пастки бирлиги) деб аталади.

Монотон функцияларни кодини очиш масаласи. Агар бирор (бизга маълум) монотон $f\in M_n$ функция A_f операторда берилган бўлса, у холда $f\left(x_1,...,x_n\right)$ монотон функцияни тўлиқ тиклайдиган A_f оператордан минимал миқдорда фойдаланилади, яъни. $f\left(x_1,...,x_n\right)$ функция $\tilde{M}$-монотон функциялар тўпламининг барча нуқталарда аниқланган.

Монотон функцияларни м.ю.н.ни топиш масаласи. Агар бирор монотон $f\in M_n$ функция A_f операторда берилган бўлса, у холда A_f оператордан минимал миқдорда фойдаланиб $f\left(x_1,...,x_n\right)$ функцияни камида битта м.ю.н.

топилсин. Равшанки, шунга ўхшаш масала A_f оператордан минимал миқдорда фойдаланиб $f(x_1,...,x_n)$ функцияни минимал қуйи бирлигини топишдан иборат.

Кодни очиш масаласини ечиш имконини берадиган қуйидаги $\{F\}$-алгоритмлар тўпламини кўриб чиқамиз, яъни $\{F\}$ алгоритмлар тўплами A_f операторлар ёрдамида ихтиёрий $f \in M_n$ функциялар учун $f(x_1,...,x_n)$ функциянинг қийматлар жадвалини тўлиқ тиклайди.

Қуйидаги $\varphi(F, f)$ функция F алгоритмдан фойдаланиб, $f(x_1,...,x_n)$ монотон функциянинг жадваллар қийматини етарлича тиклаш мақсадида A_f операторга жорий этилган бўлсин. $\varphi(F,n)=\max\varphi(F, f)$ ва $\varphi(n)=\min\varphi(F,n)$ функцияларни кўриб чиқамиз, бу ерда $\varphi(n)$-қўйилган масалани ечиш алгоритмдан фойдаланиб, $f(x_1,...,x_n)$ монотон функциянинг жадваллар қийматини етарлича тиклаш мақсадида A_f операторга минимал миқдорда жорий этиш функцияси. $\varphi(n)$-функция Шеннон функцияси деб аталади. $\{B\}$-тўплам A_f оператор ёрдамида ихтиёрий $f \in M_n$ функцияни м.ю.н. топиш алгоритмлар тўплами бўлсин. $f \in M_n$ функцияни етарлича м.ю.н.ни топиш учун A_f операторга жорий этиладиган $\mu(B, f)$ функцияни киритамиз. $\mu(n)=\min\limits_{B\in\{B\}}\max\limits_{f\in\{M_n\}}\mu(B, f)$-функция м.ю.н.ни топиш масаласи учун Шеннон функцияси деб аталади.

Лемма 1. $q=[(2n-1)/3]$ берилган бўлсин. Агар $2n-1=3m$, бу ерда m бутун сон бўлса, у холда S^n да даража бўйича U_q ва U_{q+1} иккита максимал тўпламлар мавжуд. Қолган холларда, U_q-ягона максимал даражага эга.

Лемма 2. S^n тўпламни $C_n^q 2^n$ занжир кўринишида ифодалаш мумкин, бу ерда $q=[(2n-1)/3]+1$ га тенг.

2 леммада қурилган занжирлар $Г$ занжирлари деб атаймиз. Айтайлик, σ синфни ихтиёрий $f(x_1,...,x_n)$ функцияси учун ихтиёрий F алгоритми A_f операторидан фойдаланиб, f функцияни қийматлар жадвалини тўлиқ тиклайди. $\varphi(n)=\min\varphi(F,n)$ сонни баҳолаймиз.

Теорема 3. σ синфдаги $f(x_1,...,x_n)$ функцияни қийматлар жадвалини тиклаш учун етарли бўлган A_f операторга жорий этилган $\varphi(n)$ минимал сон, қуйидаги баҳони қаноатлантиради:

$$\sum_{i=0}^{1} C_n^{q+i} 2^{q+i} \le \varphi(n) \le \sqrt{\frac{3^{2n}}{\pi n}\left(\frac{2}{2\sqrt[3]{2}-1}\right)^3}\left(1+\varepsilon(n)\right), \text{ бу ерда } q=[(2n-1)/3]+1,\ \varphi(n)=O\left(\frac{3^n}{\sqrt{n}}\right) -$$

Шеннон функцияси, A_f - оператор $f(x_1,...,x_n)$ функцияни қийматлар жадвалини тикловчи оператор, σ - синф $0<1,\ 0<2$ тартибга нисбатан барча монатон функциялар мажмуаси.

